

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.San.54.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

РАХИМОВ БОТИР МАТЯКУБОВИЧ

ХОРАЗМ ДУТОР МАҚОМЛАРИ

17.00.02 – Муסיқа санъати

**САНЪАТШУНОСЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

УЎК: 780.614.1(575.171)

**Санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по искусствоведению**

**Content of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)
on art history**

Рахимов Ботир Матякубович Хоразм дутор мақомлари	3
Рахимов Ботир Матякубович Хорезмские дутарные макомы	25
Rakhimov Botir Matyakubovich Khorezmian dutar makoms	47
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	51

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.San.54.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

РАХИМОВ БОТИР МАТЯКУБОВИЧ

ХОРАЗМ ДУТОР МАҚОМЛАРИ

17.00.02 – Муסיқа санъати

**САНЪАТШУНОСЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/San114 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат консерваториясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида www.konservatoriya.uz манзилига ва “ZiyoNet” ахборот-таълим порталида www.ziyo.net манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдуллаев Рустамбек Самигович
санъатшунослик фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Низамов Аслиддин
санъатшунослик фанлари доктори, профессор

Эргашева Чинора Эргаш қизи
санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон давлат хореография академияси

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD.03/30.12.2019.San.54.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил “___” _____ куни соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Олмазор кўчаси, 1-уй. Тел.: (99871) 239-46-53; факс: (99871) 244-53-20; E-pochta: info@konservatoriya.uz.

Диссертация билан Ўзбекистон давлат консерваториясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100027, Тошкент, Шайхонтоҳур тумани, Олмазор кўчаси, 1-уй. Тел.: (99871) 239-46-53.

Диссертация автореферати 2021 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2021 йил “___” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Т.Б.Ғофурбеков

Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси, санъатшунослик фанлари доктори, профессор

Б.Ш.Ашуров

Илмий даража берувчи илмий кенгаш илмий котиби, санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

А.Н.Азимова

Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, санъатшунослик фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон муסיқий манбашунослигида аждодлар томонидан мерос бўлиб келаётган миллий муסיқамиз анъаналари бутун жаҳон тамаддуни тараққиётида алоҳида ўрин эгаллайди. Ана шу мероснинг ўқ илдизларини ташкил этувчи мумтоз муסיқа ва унинг илмий-амалий асослари мақомот санъатининг беназир қадриятлари сифатида жаҳон муסיқа аҳли томонидан эътироф этилмоқда.

Дунё муסיқашунослигида миллий мумтоз санъат тарихини ўрганишда Шарқ халқлари санъатида алоҳида ўрин тутадиган мақом санъатини манбалар асосида ўрганиш, миллий мақом санъати шаклланиши ва ривожига ўзининг бетакрор ҳиссасини қўшган буюк муסיқашунослар қўлёмаларининг танқидий матнларини тайёрлаш ва нашр қилиш ҳам ўзига хос аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда мақом санъатининг ўзига хос услублари, тарихий анъаналари, қадриятлари қайта тикланмоқда. “Агар биз асл, ҳақиқий санъатни билмоқчи, ўрганмоқчи бўлсак, аввало мумтоз мақом санъатини билишимиз, ўрганишимиз керак. Агар биз санъатни, маданиятни кўтармоқчи бўлсак, аввало, мумтоз мақом санъатини кўтаришимиз керак. Мақом оҳанглари, мақом руҳи ва фалсафаси ҳар бир инсон қалбидан, аввало, униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизнинг онги ва юрагидан чуқур жой олиши учун бор имкониятларимизни сафарбар этишимиз зарур”¹. Демак, мақом санъати ва бу санъатнинг бир илдизи Хоразм дутор мақомларига хос ижро услубларида яратилган мумтоз муסיқий намуналарни таҳлил қилиш, парда ва усул хусусиятларини тадқиқ этиш унинг ўзбек маданиятида тутган ўрнини ёритишга имкон яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги ПҚ-3391-сон “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 26 августдаги ПҚ-3920-сон “Ўзбекистон Республикаси маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 26 майдаги ПҚ-4730-сон “Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион

¹ Мирзиёев Ш. Дилларни дилларга, элларни элларга пайванд этадиган санъат. Халқаро мақом санъати анжуманининг очилиш маросимидаги нутқи. // Халқ сўзи, 2018. 7 сентябрь. №185 (7143) – Б.1.

ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хоразм мақом тизимининг олти ярим мақом ва дутор мақомларига бўлиниши XIX асрда шаклланган бўлса-да, бироқ аждодларимиздан бизга ёдгор бўлиб қолган қатламларини илмий-назарий ўрганиш ишлари асосан XX асрнинг биринчи чорагига тўғри келади. Мулла Бекжон Раҳмон ўғли ҳамда Муҳаммад Юсуф Девонзода ўзларининг 1925 йили Москвада эски ўзбек ёзувида чоп қилинган “Хоразм мусиқий тарихчаси” рисоласида Хоразм дутор мақомлари ҳақида илк илмий маълумотларни бериб, 11 та мақом номи ва ички тузилиш хусусиятларини санаб ўтадилар². Ушбу китобчада дутор мақомларининг умумий тузилиши, дойра усуллари, шу даврда машҳур бўлган ижрочилар тазкираси, шунингдек, дутор мақомлари Хоразм мақомотининг қадимий қатлами эканлиги ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Абдурауф Фитратнинг “Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи” асари дутор мақомларига тааллуқли дастлабки янгиликларнинг етказилиши билан қимматлидир³. Мазкур рисолада XX асрнинг 30-йилларига қадар бўлган даврдаги қадимий анъаналар, Хоразм мақомлари тарихига оид маълумотлар, ижро услублари, усул тузилишлари, машҳур ижрочилар ҳақида маълумотлар берилган. Фитрат асари дутор мақомларига оид фикрлар, уларнинг тузилиши ва номланишининг қисқача баёни берилганлиги билан биз учун характерлидир.

Н.Н.Мироновнинг 1931 йили Самарқандда нашр қилинган “Обзор музыкальных культур узбеков и других народов Востока” китобида дутор мақомларидан “Сарахбори Зиҳи Наззора” ашуласининг нотаси келтирилган⁴. Булардан ташқари ўзбек мусиқий фольклоршунослиги ривожини учун кўп хизмат қилган Е.Е.Романовскаянинг “Жанры узбекской музыки” мақоласида дутор мақомларига оид 4 та мақомнинг номи тилга олиниб, бу каби намуналар бошқа маҳаллий анъаналарда ҳам мавжудлиги алоҳида қайд этилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Е.Е.Романовскаянинг мазкур мақоласида “Дугоҳи Ҳусайний”, “Чоргоҳ”, “Насруллои”, “Ажам” ва “Наво” каби мусиқий йўллар “Ташкентские дутарные макомы” иборасида тавсифланади⁵. Демак, XIX аср охири – XX аср бошларида Тошкент мақом анъаналарида ҳам дутор мақомлари тушунчаси ишлатилган.

М.Юсупов томонидан 1958-1962 йиллари нота ёзувида нашр этилган “Ўзбек халқ мусиқаси” (Хоразм ашулалари)нинг IX томида “Қаддим хамлиқи”, “Оразибор”, “Чоки гирибор” каби дутор мақомларига хос бўлган бир қанча куйлар келтирилган. Бироқ келтирилган куйлар қисқартирилган бўлиб, бунинг устига уларнинг барча намуналари янги шеърини матнлар билан берилган. Шунингдек, баъзи куйларнинг номлари ҳам ўзгартирилган.

²Мулла Бекжон Раҳмон ўғли, Муҳаммад Юсуф Девонзода. Хоразм мусиқий тарихчаси. Тошкент, 1998. Б. 25.

³Фитрат А. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. Тошкент, 1993. Б.70.

⁴Миронов Н. Обзор музыкальных культур узбеков и других народов Востока. Самарқанд, 1931. Б. 29.

⁵Романовская Е. Статьи и доклады. Записи музыкального фольклора. Тошкент, 1957. Б. 37.

Жумладан, “Зихий Наззора” куйи фақат “Наззора”⁶ деб қисқартириб берилган. Шунингдек, давр мафкурасига кўра дутор мақомига хос бўлган куйларга тўпламда “қадимги халқ куйларидан” деб изоҳ берилган. Яъни улар дутор мақомлари сифатида кўрсатилган эмас. Фақат “Мўғулча уфориси” куйи дутор мақомларидан деб қайд қилинган холос⁷. Кейинчалик М.Юсупов Хоразм мақомларини тўплаб, 3 жилдда эълон қилган⁸. Аммо дутор мақомлари ҳақида маълумотлар йўқ, улардаги куйлар анъанавий йўлда халқ орасида тарқалган жорий куй вариантларидан деб олинган. Халқ орасидаги йўллар асл Хоразм мақомлари куйларидан анча фарқланиши, жумладан, хона ва бозгўйлари тушиб қолгани ёки ўринсиз орттирилгани, тактлар сони усулга мос эмаслиги кўпчилик мутахассисларга маълум эди. Шу сабабли ҳам, “Хоразм мақомлари” китобидаги куйларнинг ноталари ва номланишида айрим бахсталаб ўринлар жуда кўп⁹. М.Юсупов тўплаган катта ҳажмдаги мусиқа материали ўша давр учун қимматли манба бўлган.

Ўзбек мақомлари тарихи ҳақида аллома Ю.Ражабий раҳбарлиги остида нашр этилган кўп жилдлик “Ўзбек халқ музыкаси” тўпламининг V китобида келтирилган И.Акбаров ва Ю.Кон қаламига мансуб кириш сўзида мақомлар ҳақида қимматли маълумотлар берилган. Бинобарин, бу манба яратилган даврда ҳали ўзбек мақомшунослиги эндигина шаклланаётган, шўро сиёсати эса авжига чиққан давр эди. Мана шу вазиятда фаолият кўрсатган Юнус Ражабийнинг хизматларини алоҳида қайд қилиш керак.

Ўзбек олимлари орасида мақомларни илк бор илмий таҳлил ва тадқиқ этган устоз Исҳоқ Ражабовнинг “Мақомлар масаласига доир” асари ҳам бу санъатнинг асосларини ўрганишда жуда катта аҳамият касб этади. Чунки мазкур китобда Хоразм мақомлари ҳақида алоҳида боб мавжуд бўлиб, унда мазкур нав чуқур таҳлил қилинган. Хусусан, И.Ражабовнинг танбур чизғилари ҳақидаги маълумотлари жуда муҳим. Олим мақомлар ҳақида қуйидагича ёзади: “Мақом цикллари халқ музыкаси бойликлари базасида яратилган ва улар асосида доимо бойиб ва такомиллаша боради ҳамда ўз навбатида халқ мусиқа маданияти тараққиётига баракали таъсир кўрсатади”¹⁰.

Мусиқашунос олим Отаназар Матёқубовнинг бир қанча монография¹¹ ва илмий мақолалари¹²да Бухоро, Хоразм, Фарғона-Тошкент мақомларининг

⁶ Ўзбек халқ музыкаси. IX т. (Хоразм ашулалари). Тўпловчи ва нотага олувчи М.Юсупов. Тошкент, 1962. Б. 485

⁷ Ўша асар. Б. 575.

⁸ Хоразм мақомлари (1-3 китоблар) / Тўпловчи М.Юсупов. Тошкент, 1980, 1982, 1986.

⁹ Масалан, “Мухаммаси Ушшоқ” куйи тактлар сони танбур чизғиларида 16 тактдан келади. Ҳолбуки, М. Юсупов нотага олган мазкур куйда тактлар сони 1-хонада 26 такт, 2-да 27 такт, 3-да 17 такт, 4-да 28 такт, 5-да 31 такт, 6-да 30 такт, 7-да эса 45 такт бўлиб келган. “Сақили вазмин” куйида унинг усули нотўғри берилган, бизнингча, шунинг учун муҳаррир пастда “Сақил”лар учун ёзилган дойра усули мақомга хос эмас”, деб изоҳ беришга мажбур бўлган.

¹⁰ Ражабов И. Мақомлар масаласига доир. Тошкент, 1963. Б. 126.

¹¹ Матёқубов О. Бухоро Шашмақомига яна бир назар. Тошкент, 2014 (296 бет); Матёқубов О. Бухарский Шашмақом. Ташкент, 2013 (312 бет); Матёқубов О. Узбекская классическая музыка. Том 1. Истоки. Ташкент, 2015 (228 бет); Матёқубов О. Узбекская классическая музыка. Том 2. Теоретические основы. Ташкент, 2015 (216 бет).

юзага келиши, Ўзбекистон ва Тожикистонда юзага келган Шашмақом намуналари, ноёб манбалар, нота ёзувлари, дутор мақомларининг яратилиш тарихи, парда ва усул асослари ҳақида маълумотлар берилган.

Отаназар Матёқубов Дутор мақомлари тушунчасини “Мақомот” (Т.: Муסיқа, 2004), “Ўзбек классик муסיқаси” (2015 рус тилида) рисолаларида ишлатиб, уларнинг тарихий ва назарий асосларини ўрганган. “Хоразм Дутор мақомлари ва олти ярим мақоми” (2018) китобида Хоразм Олти ярим мақом ва Дутор мақомларининг илмий асосларини ўрганишда танбур чизғилари қўлёмалари қадрли манба бўлиб хизмат қилиши тўғрисида сўз юритилган.

Дутор мақомлари тушунчаси О.Матёқубовдан олдин илмий ибора сифатида ишлатилмаган. Тадқиқотда ушбу монографиялардан фойдаланилди.

Диссертациянинг илова қисмида Р.Болтаевнинг “Дутор мақомлари” (2006) монографиясидаги танбур чизғиларидан замонавий нота ёзувига ўгирилган “Зиҳий Наззора” мақоми нота мисолларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон давлат консерваторияси илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Ўзбек муסיқаси тарихи назариясини ўрганиш ва ёш авлодни миллий муסיқа руҳида тарбиялаш” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Хоразм дутор мақомларининг тарихини очиб бериш, мақомларнинг бирламчи манбалари ва муסיқа амалиётини ўрганиш йўли билан ўзбек мақом санъатидаги ўрнини аниқлаш ҳамда уларни замонавий муסיқа амалиётига татбиқ этишнинг илмий-услубий асосларини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари сифатида қуйидагилар белгилаб олинди:

Дутор мақомларининг парда ва усуллар тизимини таҳлил этиш;

Дутор мақомларининг анъанавий ижрода сақланиб келинаётган куйларини таҳлил этиш;

Комил Девоний томонидан тартиб қилинган дутор мақомларини ўрганиш;

Танбур чизғиларининг юзага келишида хизмат қилган муסיқашунос ва муסיқа маданияти намояндаларининг бой илмий меросининг бугунги кундаги аҳамиятини кўрсатиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида анъанавий муסיқа амалиётида сақланган Хоразм дутор мақом туркумлари, Комил Девоний тартиб қилган ва танбур чизғиларига ёзилган дутор мақомлари олинди.

Тадқиқотнинг предмети қилиб Хоразм дутор мақомларининг муסיқий тизим сифатида ўзига хослиги, уларнинг парда-оҳанг ва усул

¹² Otanazar Matyakubov. The Musical Treasure-Trove of Uzbekistan: The Phenomenon of Uzbek Classical Music //Anthropology&Archeology of Eurasia. USA. International journal. Taylor & Francis inc. Vol. 55, No.1, 2016. Pages 60-105; Отаназар Матёқубов. Новая концепция узбекского национального искусства мақом // “XXI asr musiqa san’ati: muammo va yechimlar”. Халқаро конференция тўплами. –Тошкент, 2018. Б.305-313.

асослари, шаклий тузилиши ва ўзига хослиги, тарихий келиб чиқиши каби масалалар белгиланди.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация мавзусини ёритишда таснифлаш, қиёсий-тарихий метод каби тадқиқот ва таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

“Хоразм танбур чизгилари”нинг Девоний қўлёзма нусхасида дутор мақомларига хос бўлган *Савт, Талқин, Соқийнома, Нуфурдам, Ийфор, Нақиш, Тарона, Чоки гирибон* каби саккизта усул аниқланган;

дутор мақомларининг *парда, усул* тизимлари, мусиқий рисоалардаги *Мискин, Раховий, Садри Ироқ, Азёр* мусиқий мисоллар билан асосланган;

дутор мақомлари ва ҳозирги амалиётдаги *Зихий Наззора, Оразибом, Қаддим Хамлиги, Урганжий* каби мусиқий асарлар мавжудлиги исботланган;

Хоразм дутор мақомларининг олти ярим мақомдан фарқли томонлари, Шашмақом ва олти ярим мақомда кўп учрайдиган “*Авжи турк*”, “*Авжи зебо пари*” ва “*Мухайяр*” авжлари дутор мақомларида учрамаслиги далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

Хоразм дутор мақомларининг барча таркибий ва ифодавий (парда, усул, шакл ва ҳ.) воситалари ўрганилиб, уларнинг ўзбек мумтоз мусиқаси таркибидаги мавқеи очиб берилди. Олинган натижалардан мусиқий-педагогик, санъат, маданият ҳамда тарих соҳаларига ихтисослаштирилган ўрта-махсус ва олий ўқув юртларидаги дарс жараёнларида фойдаланиш мумкин. Дутор мақомларини илмий ва амалий ўзлаштиришда, мақомларнинг тарихий жараёнларини ўрганишда диссертация хулосаларидан манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Таҳлил этилган бирламчи рисоалардан келиб чиққан ҳолда хулосалар қилиниб, уларнинг асослилиги олинган натижаларнинг амалиётда, таълим жараёнида фойдаланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, назарий хулосалар бугунги давр мусиқашунослигида мавжуд маълумотларни кенгайтиради ва тўлдиради, мусиқий манбашунослик, санъатшунослик соҳаларида ҳам бирламчи манбаларда мавжуд мусиқий атамалар моҳиятини теран англаш ва янгича, ўзига хос услубда тадқиқ этиш имкониятини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, нашр этилган мақола ва замонавий нота йўлига ўгирилган тўпламлардан “Ўзбек мақоми тарихи ва назарияси”, “Анъанавий кўшиқчилик ва мақом асослари” фанларида анъанавий ижрочилик, анъанавий хонандалик санъатида дастуруламал сифатида, қолаверса, созгарлик санъатида мусиқий чолғулар ҳақидаги маълумотларни амалиётда жорий этиш жараёнларида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Хоразм дутор мақомлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

танбур чизғилари асосида ёзилган олти ярим мақом ва дутор мақомлари ҳақидаги маълумотлардан Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмасида фаолият юритаётган бастакорлар ва мусиқашунослар шуъба мажлисларида миллий мақомшуносликнинг жанр ва ашулалари, маҳаллий услублар шаклланишига асосланган ҳолда фойдаланилган (Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмасининг 2020 йил 17 августдаги 01-04/57-110-сонли маълумотномаси). Пировардида ёш бастакорлар ва мусиқашунослар дутор мақомлари ҳақида янада янги илмий маълумотларга эга бўлган;

Хоразм дутор мақомларининг олти ярим мақомдан фарқли томонлари, Шашмақом ва олти ярим мақомда кўп учрайдиган “Авжи турк”, “Авжи зебо пари” ва “Мухайяр” авжлар дутор мақомларида учрамаслиги каби хулосалар “Ўзбек миллий мақом санъати маркази” томонидан 2018 йил 6-10 сентябрь кунлари Шахрисабз шаҳрида бўлиб ўтган “Мақом мусиқа санъати ва унинг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни” мавзусида Халқаро илмий-амалий конференция дастурида фойдаланилган (Ўзбек миллий мақом санъати марказининг 2020 йил 9 ноябрдаги 98-сонли маълумотномаси). Натижада конференция Хоразм дутор мақомлари бўйича янги қарашлар ва назариялар билан бойиган;

“Мақом санъатимиз сайқали” туркум эшиттиришларида Хоразм дутор мақомларининг тарихи ва уларнинг мусиқий шакллари “танбур чизғилари”дан замонавий нота йўлига олинган “Зиҳий Наззора” ва “Урганжий” мақомлари таҳлил натижаларидан 2020 йил декабр ойида “O‘zbekiston” радиоканали орқали эфирга узатилган кўрсатув сценарийсида фойдаланилган. (“O‘zbekiston” радиоканалининг 2020 йил 22 декабрдаги O‘z/R-1-36-сон маълумотнома). Натижада радиотингловчилар шу асосда мақом санъатидаги усуллар ҳақида муайян тасаввурга эга бўлган;

танбур чизғилари ёзувидан замонавий нота йўлига ўгирилган дутор мақомларининг айтим ва чолғу қисмлари, олти ярим мақомдан фарқи ҳақида олинган натижалар “Хоразм” вилоят телерадиокомпанияси орқали намойиш қилинган “Навозанда” ва “Сувога супаси” туркум кўрсатувлари сценарийсида фойдаланилган (“Хоразм” вилоят телерадиокомпаниясининг 2020 йил 18 августдаги 10/20-131-сон маълумотномаси).

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманида синовдан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича эълон қилинган илмий ишларнинг умумий сони 15 та, жумладан, республика журналларида 2 та мақола, хорижда (Россия) 1 та, илмий-амалий конференцияларда 12 та мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 143 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот масалалари шакллантирилиб, диссертация мавзусининг ҳозирги замон санъатшунослик илм-фани тараққиётидаги долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Хоразм мақомоти тарихи ва унинг назарий ҳамда амалий ўрганилиши”** деб номланади.

Биринчи бобнинг биринчи бўлими **“Мақом санъатининг анъаналарига доир”** деб номланиб, бўлимда мақомларнинг шаклланиши ва уларнинг бизнинг давримизгача етиб келиши борасида битилган оғзаки ва ёзма равишда сақланган қатор афсона ва ривоятлар ҳақида маълумотлар берилган.

Мақомларимизнинг тарихи, назарияси, шунингдек, куй шакллари, ижрочилик ва бошқа соҳаларга оид оид тушунчалар ҳақида кўплаб афсона ва ривоятлар яратилган Бу афсона ва ривоятлар мақомларнинг таркибий қисми – куй ва ашулаларнинг ички тузилиши, тартиб-низомларини аниқлашда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Мусиқа ҳақидаги ривоят ва илмий рисолалар мазкур фикр ва мулоҳазаларнинг энг изчил қисми бўлиб, улар биринчи навбатда, илмий негизларга таянувчи мумтоз мусиқа – мақомларга тааллуқлидир.

Буюк мутафаккир А.Навоий **“Сабъаи сайёр”** достонида Хоразм соз аҳли ва бу ўлка санъатига Дилором чангий тимсолида юқори таъриф беради. **“Хоразмнинг мусиқий салоҳияти тўғрисида Алишер Навоий **“Сабъаи сайёр”**да антиқа бир тафсилотини келтиради”**¹³.

Чун дуо қилди деди фарзона,
Ки, дей ўз кўрганимдин афсона.
Менки, тушмиш буён гузор манга,
Мулки Хоразм эрур диёр манга.
Санъатим анда соз чолмоқ иши,
Билмайин мен киби ишимни киши.¹⁴

Шунингдек, унинг **“Мажолис ун-нафоис”** рисоласининг бошланишида хоразмлик созанда Абул Қосим Хоразмий фозил киши ва устозлар қаторида таъриф этилади.

Алишер Навоий **“Сабъаи сайёр”**да шундай ёзадилар:

¹³ Матякубов О. Хоразм дутор мақомлари ва олти ярим мақоми. Тошкент, 2018. Б.16

¹⁴ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 10-жилд. Тошкент, 1992. Б.365.

Илми адвор фанни мусиқий,
Бу ишда эрур барча манга таҳқиқий.
Элга таълим этмоқ вирдим,
Кимки устоди қавм шогирдим.¹⁵

Навоийдек сўз устасининг мусиқага нисбатан бу сўзларни ишлатиши, шубҳасиз, чуқур илмий ва оммавий асосларга эга. Мусиқавий афсоналар ҳам асрлар давомида инсонларнинг энг олий ҳис-туйғуларини изҳор этишда санъатнинг сеҳрли кучи, беқиёс чолғучи ва ҳофизларнинг мўъжизакор ижодидан бошлангандир. Бу афсонавий фикрларнинг шакли ҳам турлича: қисқа бир ҳикматли сўз ёки бутун бир бошли дoston тарзида.

Мақомларнинг тарихи ва назарий масалаларини ўрганишда ўтмиш Шарқ олимларидан Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Сафиуддин Урмавий, Абдулқодир Мароғий каби мутафаккирларнинг мусиқавий изланишлари, уларнинг Шарқ мумтоз мусиқаси борасидаги илмий қарашлари жаҳон мусиқа фанининг ёрқин саҳифаларидан жой олган. Бу илмий мерослар кўп жиҳатдан Шарқ анъанавий мусиқасининг тимсоли бўлмиш мақомларнинг илмий асосларини ёритишга қаратилган.

Хоразмлик устозлар томонидан мақомларнинг шаклланиши ва уларни бизгача етиб келиши борасида битилган мақомдон устоз Худайберган Муҳркан томонидан ўғли Матпона Худайбергановга ёзиб қолдирган дастагида қуйидаги маълумотлар мавжуд: “Хоразмда Дилором чангий деган созанда бўлган. Хива қалъасининг кун чиқиш тарафида бир боғда яшаган. Дилором соз чалиб одамларни беҳуш қилур эрди. Шу қиз шу боғда мумкин қадарли юзини номаҳрамга кўрсатмас экан. Чодранинг олдига парда тортиб, (ўзи парданинг ичида ўлтирған) оларга таълим берганлар, шундан бери Хоразм мақомлари тараққий қилғон. Полвонбой, Ёқуб доричи, Ўсмонжон, Абдужаббор, Абдурахмонбеклардин бир неча кишилар таълим олганлар, Мулло Ёқуб доричидан Аваз доричи, Худайберган маҳдум, Бобожон бола. Уларнинг шогирдлари Мулло Муҳаммадшариф ва Худайберган Муҳиркан бўлган”¹⁶.

Хива хонлари илм-фан, адабиёт, санъат ва маданият аҳлларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватланганлар ва бошқа илмлар қатори мусиқа илми ривожига ҳам катта эътибор берилган. Ушбу бўлимда Хоразм мақомоти тарихи ва уни назарий ҳамда амалий ўрганилишига тегишли масалалар баён этилади. Хусусан, мақом санъатининг анъаналари, XX асрда Хоразм мақомларининг ўрганилиши борасида амалга оширилган ишлар бўйича маълумотлар берилган.

¹⁵ Ўша асар. Б.365.

¹⁶ Ушбу тарихий қўлёзма Матпона Худайбергановдан шогирди Нурмуҳаммад Болтаевга, Нурмуҳаммад устоддан эса жияни Султонбой Сабировга берилган.

Биринчи бобнинг иккинчи бўлими “XX асрда Хоразм мақомларининг ўрганилиши” деб номланади. XIX асрнинг бошларида Шашмақом Хоразмда ҳам жорий этила бошланган. Хоразм устозлари Шашмақомни ижодий ўзлаштириш билан бир қаторда жуда кўплаб янги ном, куй ва ашулаларни кўшганлар. Бу борада мусикашунос, бастакор, шоир, ҳофиз ва созандалар самарали ижод қилгани ўрганилган.

Хоразмлик мақомдон устозлар Шашмақомдан андоза олиб, унинг куй ва оҳанг тузилмаларига ўхшамайдиган жуда кўплаб янги ном, куй ва ашулаларни ижодий ўзлаштириб кўшганлар. Шашмақомда ишлатилмаган Суворий деган йирик қисмлар киритилган. Олти ярим мақом усуллар тизимига Бухоро Шашмақомидан фарқланадиган (бошқачароқ ишланган) Нуфурдам (таронанинг тезкари усули), Чор усул, Се усул, Мурабба, Мусаддас, Мусабба, Гул уфар, Фохтий зарб номли усуллар киритилган.

Муҳаммад Раҳимхон Ферузнинг саъй-ҳаракатлари туфайли Комил Хоразмий томонидан танбур чизғилари ёзувида олти ярим мақом тўлалигича хатга туширилган. Бундан ташқари, олти ярим мақомнинг айтим ва чертим йўллари эшитиш учун (перфокарта шаклида) қоғозга ўйиб ёзилган мослама яратилган. Мосламани механик фортепианога кўйиб айлантириш жараёнида мақомларнинг чолғу куйи садоларини эшитиш имконияти пайдо бўлган.

Сарой созандаси Қаландар Дўнмас томонидан овоз ёзиш мосламасининг қалин картон қоғозга ўйиб ишланган нусхалари ҳозирда Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида (№8849-56) сақланмоқда. Нусхаларда ҳар бир мақом ва унга тааллуқли куйлар номи биринчи бетига настаълик хатида ёзиб қўйилган.

XIX асрда шаклланган Хоразм мақомларини илмий-назарий ўрганиш ишлари XX асрда Мулла Бекжон Раҳмон ўғли ҳамда Муҳаммад Юсуф Девонзода¹⁷, Матниёз Юсупов¹⁸ ва Отаназар Матёқубов¹⁹лар томонидан давом эттирилган.

Ўтган аср 30-йилларининг иккинчи ярмидан бошлаб миллий мусиқий кадриятларимиз – мақомларимизнинг йўллари тўсилиб, улар билан боғлиқ атамалар бутунлай истеъмолдан чиқарилган. Натижада мақом санъати замон талабидан ташқарида қолиб, ижрочилик анъаналарида узилишлар содир бўла бошлаган эди.

Ушбу даврларда мусиқий меросимизнинг қадимий намуналари мақомдон устозлар хотирасида оғзаки (мустаҳкам асос, яъни хатга ёзилмаган) тарзда сақлаб келинди. Ана шундай устозлардан бири Матпано ота Худойберганов ҳисобланади.

¹⁷ Мулла Бекжон Раҳмон ўғли, Муҳаммад Юсуф Девонзода. Хоразм мусиқий тарихчаси. Москва, 1925.

¹⁸ Матнияз Юсупов. Ўзбек халқ музикаси. VI том. Хоразм мақомлари. Тошкент, 1958.

¹⁹ Отаназар Матяқубов. Хоразм дутор мақолари ва олти ярим мақоми. Тошкент, 2018.

Матпано ота раҳбарлигида 1943 йилда Урганчда вилоят театри қошида мақомларни ёш санъаткорларга ўргатиш ва оммавийлаштиришга қаратилган ижодий уюшма ташкил қилинган. Уюшмада атоқли санъаткорлар Раззоқ ота Омонов, Ҳожихон Болтаев билан бир қаторда Нурмуҳаммад Болтаев, Назира Юсупова, Матниёз Юсупов, Олланазар Ҳасановлар иштирок этганлар. Устод Матпано ота қисқа муддат ичида мақом йўллари тартибли ва мунтазам равишда ёш санъаткорларга ўргатиш борасида муҳим ишни амалга оширди.

Биринчи бобнинг учинчи бўлимига Хоразм дутор мақомларининг ижро анъаналарини сақлаган устозлар мероси ҳақидаги маълумотлар киритилди.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Дутор мақомларининг Хоразм мақомоти тизимида**”ги ўрни ва моҳиятини очиқ беришга бағишланади. Диссертациянинг бу боби икки бўлимдан иборат. Биринчисида “Тарихий илдизлар, шаклланиши ва тарақиёти” хусусида фикрлар баён этилади.

Дутор мақомлари Хоразм мақомот тизимидаги энг қадимий қатламлардан биридир. Ўтган асрнинг 30-йилларида Шўро даврида бошқа миллий мусиқий қадриятларимиз қатори дутор мақомлари атамаси ҳам бутунлай истеъмолдан чиқарила бошланган эди. Мустақиллик шарофати туфайлигина қайтадан мусиқий истилоҳга киритилди.

Ўтмишда Хоразмда дутор мақомларининг айтим қисмларига илоҳий сўзлар қўйилганлиги боис шўро даврида (давр талабига мос ғазаллар ўқилмаганлиги сабабли) унутила бошланган.

“Танбур чизифининг янги нусхаси топилганлиги туфайли дутор мақомлари чолғу, ашула ва рақс санъатларини ўз ичига олувчи муштарак ва танбур мақомларидан алоҳида тизим эканлиги аён бўлди”²⁰.

Дутор мақомларининг олти ярим мақомдан фарқли томонлари қўйидагича таҳлил этилди: Олти ярим мақомнинг ички қисмлари усуллар номи билан ажратилган. Дутор мақомларида олти ярим мақомга қараганда ички қисмлари эркинроқ тартибда тузилган.

Олти ярим мақом амалиётда бутун бошли бир куй пардаларининг номлари билан юритилади. Улар олтига: “Рост”, “Наво”, “Сегоҳ”, “Дугоҳ”, “Бузрук”, “Ироқ”. Ҳар бирининг ичида яна қўшимча ладлар ва пардалар бор.

Олтита асосий ладнинг ҳар бирининг ичида яна тўрттадан бўлим бор. Мисол учун, Рост мақоми ичида “Ушшоқ”, “Сабо”, “Панжгоҳ” деган ладлар бор. “Бузрук” мақомида “Уззол”, “Раҳовий” (“Насруллоий” дейилади) деган ладлар учрайди. Олти ярим мақом танбур пардаларига, дутор мақомлари дутор пардаларига мосланиб ишланган. Дутор мақомларининг олти ярим мақомдан яна бир фарқи шундаки, улар бир ўлчамли ладлар бўлгани учун бир ном билан юритилади: Зиҳий Наззора, Урганжий, Мискин, Ровий, Ахёр, Ироқ, Чоки гирибон.

²⁰ О.Матёкубов. Ўша асар. -Б. 226.


Дутор мақомларининг бирламчи қисмлари зарбул қадим усулида бўлмасдан, ихчам усулда ишланган. Шашмақом ва олти ярим мақомда кўп учрайдиган “Авжи турк”, “Авжи зебо пари” ва “Мухайяр” авжлари дутор мақомларида учрамайди.

Оғзаки анъанада сақланган дутор мақомлари туркумларини ўрганиш борасида олиб борилган илмий изланишлар, хусусан, парда тузилишлари борасидаги тадқиқотлар шуни кўрсатадики, олти ярим мақом тизимидаги “Тани мақоми Бузрук” ва “Оразибом” асосида товушлар ҳамда уларнинг ҳаракати ва парда тизими бир хил. Лекин куйдаги оҳанг ва айниқса, дойра усуллари бир-биридан сезилари фарк қилади.

Тани мақоми Бузрук товушқатори



Оразибомнинг товушқатори




Хоразмда урфий (оғзаки анъанада) “Алиқамбар”, “Қорадали” мақомлари билан боғлиқ ривоятлар, уларнинг туркумлари, “Оразибом”, “Гусфанд”ларнинг турли халқ маросимларида эркаклар томонидан рақс жўрлигида ижро этилгани таҳлил қилиниб, нота мисоллари билан берилган.

XX аср ўрталарига келиб Урфий дутор мақомларининг айримларида ижро услуби қолмаган. Фақатгина тўрт-бешта туркум “Ровий”, “Мискин”, “Оразибом”, “Алиқамбар” кабилар устоз созандалар хотирасида сақланиб бизгача етиб келган. Шу боисдан ҳам Н.Миронов, М.Юсуповларнинг тўпламларида келтирилган дутор мақоми намуналари билан урфий ва Комил Девоний томонидан тартиб қилинган дутор мақомлари қиёсий ўрганилди.

Иккинчи бўлим “Дутор мақомларининг танбур чизғиларига туширилиши” деб номланган. Хоразмда Дутор мақомларини қоғозга кўчиришга кўп ҳаракатлар қилинган. Бу ҳақда “Хоразм мусиқий тарихчаси”да бундай дейилган: “Қанбар бобо дутор созини сўнг даражада яхши билганидек, дутор гўяндалигида ҳам биринчи эрди. Бир неча замонлар дутор нағмаларини қоғозга кўчурмак учун хийлағина тиришқон бўлса ҳам орзусина етуша билмади”²¹. Рисолада Саййид Муҳаммадхон ва Муҳаммад Раҳимхон соний замонларида дутор нағмаларина махсус бир чизик

²¹ Мулла Бекжон Раҳмон ўғли, Муҳаммад Юсуф Девонзода. Хоразм мусиқий тарихчаси. Тошкент, 1998. Б.36.

чиқармоқни ўйлаиб бир хили саъй-ғайрат қилинганлиги ҳақида²² маълумотлар берилган.



Танбур чизғилари ёзувининг умумий кўриниши

Саййид Муҳаммадхон ва Муҳаммад Раҳимхон соний замонларида Муҳаммад Шариф Қамбар дутор куйларининг чертилишидаги кўл вазиятларини қоғозга тушира олмаган.

Паҳлавон Мирзабоши ва унинг ўғли Муҳаммад Расул Мирзабоши бошлаган ишни шогирди Комил Девоний дутор мақомларининг танбур чизғилари тамойиллари асосида тартиблаштириб ёзиб олган. Ўзбекистон Фанлар академияси Санъатшунослик институтида №571-1-5 рақамли Матюсуф Харротовнинг архиви сақланади. Ушбу архивда эни 20 см., узунлиги 13,30 м. бўлган қоғозга кўчирилган дутор мақомларининг нома шаклидаги нусхаси мавжуд. Нусхада дутор мақомларига мансуб “Раҳовий”, “Садри Ироқ”, “Ағёр” ва “Чоки гирибон” туркумлари тўлалигича кўрсатилган.

Ўзбекистон давлат консерваториясида сақланаётган танбур чизғиларининг К.Девоний нусхасида Олти ярим мақомнинг ашула йўллари ва еттита Дутор мақоми: Зиҳий Наззора, Урганжий, Мискин, Раҳовий, Садри Ироқ, Охёр, Чоки гирибон деб номланувчи туркумли айтим йўллари тўла киритилган.

Девоний нусхасида ёзилган мақом йўллари бошидан охиригача дойра усуллари билан берилган ҳамда барча мусиқий тузилмалар шеър бўлақларига мувофиқ равишда тақсимланган. Фақатгина йирик тузилмалар – хона, бозгўй, оҳанг (сўзсиз “о” лаб айтиладиган лавҳа)лар эмас, улар хона таркибидаги кичик жумлаларнинг чегаралари ҳам махсус ишора (тик стрелка) билан белгилаб чиқилган. Куй таркибининг бундай изчил тақсимланиши, нота ёзувидан унумли фойдаланиш, шунингдек, куйнинг ички мантиғи ҳамда урғулари ва бошқа ўзига хосликларини тўғри тушунишга ёрдам беради.

²² Ўша асар Б.24.

Учинчи боб “Комил Девоний тартиб қилган дутор мақомларининг амалиётга жорий қилиниши” деб номланган. Унда Дутор мақомларининг тузилиши ва ривожини, К.Девоний томонидан яратилган танбур чизғиларидаги Дутор мақомларининг нусхалари ҳамда амалиётдаги Дутор мақомларининг таҳлили баён қилинди.

Биринчи бўлим бевосита “Девоний тартиб қилган дутор мақомларининг амалиётга жорий қилиниши, парда ва усул таснифоти”га бағишланади.

Хоразм мусиқа меросининг илдизларидан бўлмиш дутор мақомларини хатга тушириш, бу мўтабар мероснинг тартиб ва низомларини имкон қадар мукамал тарзда авлодлар диққатига ҳавола этиш фидойи санъаткор Комил Девонийнинг эзгу ниятига айланди. Девоний дутор мақомларини нотага олишда тўсқинлик қилаётган қийинчиликлардан хабардор эди, албатта. Гап шундаки, Муҳаммад Шариф ва унга пайравлик қилган санъаткорлар дутор нағмаларини чолғу нави сифатида ёзиб олмоқчи бўлганлар. Шунинг учун ҳам дутор куйларига хос бўлган узлуксиз қўл ҳаракатлари (зарблар)ни ёзувда белгилаш йўлларини топа олмаганлар.

Мақом илмини пухта ўзлаштирган Комил Девоний бу ишда олдинги устозлардан кўра бошқачароқ ва эркин йўл танлади. У барқарор мақом мажмуаларини амалда баробарига чолғу ва ашула кўринишларида жорий этишга қаратилганини инобатга олди. Ана шу устувор тамойилдан келиб чиққан ҳолда олти ярим мақом ва дутор мақомларини сўз матнлари билан боғлаб ашула нави сифатида тасаввур этишга қарор қилди. Натижада олти ярим мақом ва дутор мақомларидаги барча таркибий қисмларнинг дойра усули, баҳрларга бўлинган сўз матнлари ва уларга мувофиқ куй жумлаларининг умумий тарихини яқка зарб асосида ёзиб чиқди.

Девонийнинг Хоразм дутор мақомларини хатга туширганлиги тўғрисидаги хабар XX асрнинг 20-йиллари охиридаёқ элга тарқалган эди. Замондоши Ҳасанмурод Лаффасийнинг ёзишича, “Девоний дуторнинг тамом мақомларига ўз ақлу фаросатининг натижасида бир катта нома тасниф қиладур”²³. Бироқ давр ғалаёнлари ва санъаткор бошига тушган кулфатлар бу буюк тадбирнинг соз аҳли орасида кенг тарқалишига имкон бермаган.

О.Матёкубовнинг “Мақомот” китобида Комил Девонийнинг танбур чизғилари қўлёзмаси тўғрисида сўз юритилиб, дутор мақомлари ҳақида қуйидагича ёзилган: “Бу ерда олти ярим мақом тизимидагилардан ташқари яна алоҳида дутор мақомлари (яъни дутор жўрлигида айтиладиган мумтоз йўллар) хатга туширилгандир”²⁴. Бу билан дутор мақомларини фақат дутор жўрлигида ижро қилинадиган мақом, деб қарамаслик керак. Хоразмлик устозлар дутор мақомларини дутор,


²³ Лаффасий. Тазкираи шуаро. Урганч, 1992. Б.67.

²⁴ Матёкубов О. Мақомот. Тошкент, “Мусиқа” нашриёти, 2004. Б.79.

танбур, симтўр, тор, гармон ва бошқа чолғулар жўрлигида ҳам ижро қилишган. О.Матёкубов ушбу асарда Комил Девоний тартиб қилган дутор мақомларидан “Зихий Наззора” ичида “Урганжий” мақоми ҳам жойлаштирилган²⁵ деб, олтига бош туркумнинг I Зихий Наззора, II Мискин, III Раҳовий, IV Садри Ироқ. V Охёр ва VI Чоки гирибон номларини ва уларнинг туширимларининг туркумланишини берган²⁶.

Комил Девоний тартиб қилган дутор мақомларидан “Зихий Наззора” ва “Урганжий” туркумларига танлаган куй оҳанглари, сўз матнларидаги мазмунидан уларнинг ҳар бири алоҳида мақом эканлиги маълум бўлади. Буларни танбур чизғилари ёзувларини замонавий нота тизимига ўгириб, амалдаги ижроларини эшитиб, Комил Девоний тартиб қилган дутор мақомлари еттита эканлигига аниқ ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Дутор-танбурларнинг дастасидаги пардабандларга разм соладиган бўлсак, улар асрлар давомида устоз созанда ва мусиқашунослар томонидан ҳисоб-китоб қилинган ва амалиёт нуқтаи назаридан пухта ишланган. Ўзбек ва туркман дуторлари ёки ўзбек ва уйғур танбурлари, Озарбайжон ва Ўзбекистонда кенг тарқалган тор чолғусининг ташқи кўринишида яқин ўхшашликлар мавжуд бўлса-да, куй ижро этилиши жараёнида улар бошқа-бошқа халқларнинг чолғулари эканлиги маълум бўлади.



Дутор чолғуси дастасида пардаларнинг жойлашуви

Дутор чолғучилиги ўзига хос бўлиб, унда ўнг қўл зарблари рез усулидаги узлуксиз-давомий ижроси билан ажралиб туради. Фарғона водийси ва Тошкентда дутор чолғусининг созланишини “тановор сози” (кварта), “муножот сози” (квинта), “қўштор сози” (унисон)га тенглаб аниқлаш урф бўлган. “Хоразм дуторларида икки хил созланиш мавжуд бўлиб, булар: очик торнинг бир-бирига нисбатан квинта созланиши – “алиқамбар дузум” ва кварта созланиши – “мискин дузум” деб аталади”²⁷.


²⁵ Матёкубов О. Ўша асар. Б.227.

²⁶ Матёкубов О. Ўша асар. Б.234.


²⁷ Матёкубов Б. Достон наволари. Тошкент, 2009. Б.59.

Хоразмда мақом мумтоз йўллар ва дoston ижрочилигида дутор чолғусининг парда тузилиши куйидагича:


1. Соз тузилмаси Сар парда (беш парда, бош парда)



2. Соз тузилмаси Ширвон парда



3. Соз тузилмаси Мискин парда



Дуторнинг ўнг қўл зарблари Хоразмда “*даст*” дейилади. Улар ўз ичида куй ва усул бўлакларининг мураккаб ва энг жозибали жиҳатларини бирлаштиргани билан характерланади.


